



## ISSUES OF ENSURING INDIVIDUAL RIGHTS AND FREEDOMS DURING PRE-TRIAL PROCEEDINGS

**SAIDOV Bahrom Anvarovich**

Head of the Department of Magistracy, Academy of the Ministry of Internal Affairs, Doctor of Law, Professor  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10868899>

### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> March 2024

Accepted: 24<sup>th</sup> March 2024

Online: 25<sup>th</sup> March 2024

### KEYWORDS

Constitution, concept, law, international law, foreign experience, lawyer, defender, human rights, freedoms, justice, guarantee, protection, criminal procedure, responsibility, punishment, court, investigation, reform, justice, human, humanitarian, suspect, accused, victim, interrogator, investigator, prosecutor.

### ABSTRACT

*Relevance: The special attention is paid to such important tasks as improving and liberalizing criminal and criminal-procedural legislation, increasing the efficiency and quality of justice, strengthening the procedural foundations of criminal proceedings, and ensuring reliable protection of the rights and freedoms of citizens in the activities of judicial and investigative bodies in the new Uzbekistan. The article outlines the study of international experience in ensuring the rights and freedoms of a person in criminal-procedural relations, criminal-legal institutions recognized in international law and foreign practice, including humanitarian principles in determining the criminal responsibility of a person, thus proposals and recommendations developed in this regard.*

*Statement of the problem: The important issues such as abdication of responsibility of innocent person, ensuring the equality of parties at all stages of justice, reasonable application of procedural coercion measures, abandonment to the practice of torturing a person, cruel, inhumane or degrading treatment and punishment in the course of judicial investigation, full or partial release of a person from responsibility for sincerely repentance and actively assistance in the detection of a crime, gaining the trust of citizens by compensating the property damage caused to the victims, as well as ensuring the rights and freedoms of the participants in the criminal proceedings were defined as the priority tasks of achieving justice in the New Uzbekistan.*

*Aim of the research: The proposals and recommendations have been developed by virtue of the study, analysis and research of the existing problems of ensuring the rights and freedoms of the individual in the proceeding the case*



*to court, to find scientific solutions to abdicate situations such as the violation of human dignity and honour, especially to terminate the practice of torture, cruel, inhuman or degrading treatment of a person, and the use of punishments.*

*Methods of the research: general scientific, including formal logic (analysis, synthesis, generalization, abstraction, phrases), special scientific (observation, questioning, analysis of content of documents).*

*Results and main conclusions: Studying the issues of ensuring the rights and freedoms of a person in proceeding the case to court, developing scientific recommendations for improving the mechanisms of researching the theoretical and legal foundations of ensuring the constitutional rights and freedoms of a person, and making a specific proposal for the further improvement of the norms of the criminal-procedural law in order to achieve a fair trial and promotion of recommendations remains one of the urgent issues of today.*

*The desire to achieve justice in our people is increasing more and more in the era of globalization. The confidence of our citizens in justice and the rule of law is increasing as a result of the reforms implemented in the field. It can be said that along with the achieved progress, there are still important issues that are waiting to be resolved in terms of ensuring the rights and freedoms of the individual in the case before the court.*

*The following issues remain one of the urgent tasks of today, such as to ensure transparency, strengthen the role of the institution of public participation in criminal cases. Moreover, to take all the necessary measures to restore the violated rights of individuals, to improve the activities of pre-investigation inspection and investigation bodies to ensure human rights, freedoms and legal interests, to strengthen judicial control at the stage of bringing the case to trial, to liberalize the procedural order of criminal cases, to make judicial investigation activities transparent.*



## ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ И СВОБОД ЛИЧНОСТИ ПРИ ДОСУДЕБНОМ ПРОИЗВОДСТВЕ ДЕЛА

**САИДОВ Бахром Анварович**

Начальник магистратуры Академии МВД, доктор юридических наук, профессор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10868899>

### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> March 2024

Accepted: 24<sup>th</sup> March 2024

Online: 25<sup>th</sup> March 2024

### KEYWORDS

Конституция, концепция, закон, международное право, зарубежный опыт, адвокат, защитник, права человека, свобода, правосудие, гарантия, защита, уголовный процесс, ответственность, наказание, суд, следствие, справедливость, человек, гуманность, подозреваемый, обвиняемый, потерпевший, дознаватель, следователь, прокурор.

### ABSTRACT

*Актуальность: в нашей стране осуществляются широкомасштабные программные мероприятия по приоритетным направлениям обеспечения верховенства закона, реформированию судебно-правовой системы, а также гуманизации ведения уголовных дел. Особое внимание обращается на совершенствование и либерализацию уголовного и уголовно-процессуального законодательства, повышению эффективности и качества осуществления правосудия, усилению процессуальных основ ведения уголовных дел, обеспечению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан в деятельности судебно-следственных органов. В статье выдвигаются предложения и рекомендации, направленные на изучение международного опыта обеспечения прав и свобод человека в уголовно-процессуальных отношениях, уголовно-правовых институтов, признанных в международном праве и зарубежной практике, в том числе соблюдения гуманитарных принципов при определении уголовной ответственности лица.*

*Постановка проблемы: В новом Узбекистане в качестве приоритетных задач по достижению правосудия определены обеспечение непривлечения невиновного лица к ответственности; равенства сторон на всех стадиях правосудия; обоснованное применение мер процессуального принуждения; в правоприменительной судебно-следственной деятельности неприменение пыток, бесчеловечных, жестоких и других унижающих честь и достоинство лица мер; полное либо частичное освобождение лица от ответственности в связи с чистосердечным его раскаянием и содействием в раскрытии преступления, возмещении вреда, нанесенного преступлением потерпевшему, а также достижение доверия граждан путем обеспечения участникам*



*уголовного процесса их прав и свобод.*

*Цель исследования: разработка предложений и рекомендаций по изучению, анализу и исследованию имеющихся проблем обеспечения прав и свобод личности в досудебном производстве, научный поиск решения проблем связанных с унижением чести и достоинства человека, в частности, полное устранение практики и применения мер, связанных с унижением и пыток, бесчеловечных, жестоких и других унижающих честь и достоинство личности.*

*Методы исследования: общенаучные, в том числе формально-логический (анализ, синтез, обобщение, абстракция, фразы), частно-научные (наблюдение, опрос, анализ сущности документов).*

*Результаты и основные выводы: в настоящее время в целях достижения справедливого судебного разбирательства одной из актуальных задач является изучение вопросов обеспечения прав и свобод личности в досудебном производстве, разработка научных рекомендаций по совершенствованию механизмов исследования теоретических и правовых основ обеспечения конституционных прав и свобод человека, а также разработка конкретных предложений по дальнейшему совершенствованию норм уголовно-процессуального законодательства.*

*В эпоху нынешней глобализации наш народ как никогда стремится к правосудию. Благодаря осуществляемым судебно-правовым реформам, повышается их доверие к справедливости и верховенству закона. Но, стоит особо отметить, что, наряду с достижениями в данной сфере, имеются еще ряд актуальных вопросов, требующих научного анализа и поиска путей к их разрешению.*

*Остаются важные вопросы по принятию необходимых мер по восстановлению нарушенных прав и свобод личности, совершенствованию деятельности по обеспечению конституционных прав, свобод и законных интересов граждан следственными подразделениями, а также органами, осуществляющими доследственную проверку, усилению судебного контроля на досудебной стадии уголовного процесса, упрощению*



процессуального порядка рассмотрения уголовных дел, обеспечению прозрачности и открытости судебной деятельности, повышению роли участия общественных институтов при производстве по уголовным делам.

## ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**САИДОВ Баҳром Анварович**

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10868899>

### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> March 2024

Accepted: 24<sup>th</sup> March 2024

Online: 25<sup>th</sup> March 2024

### KEYWORDS

Конституция, концепция, қонун, халқаро ҳуқуқ, хорижий тажриба, адвокат, ҳимоячи, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, одил судлов, кафолат, ҳимоя, жиноят процесси, жавобгарлик, жазо, суд, тергов, ислоҳот, адолат, инсон, инсонпарварлик, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, суриштирувчи, терговчи, прокурор.

### ABSTRACT

*Долзарблиги:* Янги Ўзбекистонда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда либераллаштириш, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, жиноят ишлари юритувининг процессуал асосларини кучайтириш, суд-тергов органлари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш каби муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақолада жиноят-процессуал муносабатларда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш, халқаро ҳуқуқ ва хорижий амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг, жумладан шахснинг жиноий жавобгарлигини белгилашда инсонпарварлик тамойилларига риоя қилишга қаратилган қатор таклиф-тавсиялар илгари сурилган.

*Муаммонинг баёни:* Янги Ўзбекистонда айбсиз инсонни жавобгарликка тортмаслик, одил судловнинг барча босқичларида тарафларнинг тенглигини таъминлаш, процессуал мажбурият чораларини асосли қўллаш, суд-тергов амалиётида шахсни қийноққа солиш, унга шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш амалиётига барҳам бериш, шахсни чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни фош этишда фаол кўмаклашгани учун жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш,



жабрланувчиларга етказилган мулкий зарарни қоплаш, шунингдек жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш орқали фуқароларнинг ишончини қозониш каби муҳим масалалар одил судловга эришишнинг устувор вазифалари сифатида белгиланди.

*Тадқиқот мақсади:* Ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида мавжуд муаммоларни ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ қилиш, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати поймол этилиши каби ҳаолатларга барҳам беришнинг илмий ечимларини топиш, айниқса шахсни қийноққа солиш, унга шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш амалиётига бутунлай чек қўйиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

*Тадқиқот усуллари:* умумий илмий, шу жумладан формал мантиқий (таҳлил, синтез, умумлаштириш, абстракция, фразалар), хусусий илмий (кузатиш, сўроқ, ҳужжатлар мазмунини таҳлил қилиш).

*Натижалар ва асосий хулосалар:* Ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалаларини ўрганиш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш, одил судловга эришиш мақсадида жиноят-процессуал қонун нормаларини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсияларни илгари суриш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Глобаллашув даврида халқимизда одил судловга эришишга бўлган хоҳиш, истак тобора ортмоқда. Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида фуқароларимизда адолат ва қонун устуворлигига ишончи юксалмоқда. Айтиш мумкинки, эришилган ютуқлар билан бирга, ҳали ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ўз ечимини кутаётган муҳим масалалар ҳам мавжуд.

Шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун барча зарур чораларни кўриш, терговга қадар текширув ва тергов органларининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва



қонуний манфаатларини таъминлашга доир фаолиятини такомиллаштириш, ишни судга қадар юритиш босқичида суд назоратини кучайтириш, жиноят ишларини кўриб чиқишнинг процессуал тартибини эркинлаштириш, суд-тергов фаолиятининг шаффоф ва ошкоралигини таъминлаш, жиноят ишлари бўйича иш юритувида жамоатчилик иштироки институтининг ролини кучайтириш каби масалалар бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ишни судга қадар юритишда далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда илғор услубларни қўллаш, замонавий криминалистик техника воситаларидан, ахборот коммуникация технологияларидан ҳамда суд экспертизалари имкониятидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш суд-тергов амалиётида муҳим вазифага айланиб бормоқда.

Гап суриштирув ва тергов органлари фаолиятини такомиллаштириш ҳақида борар экан, бу борада ривожланган хорижий давлатларда кенг қўлланилаётган «медиация» институтини ишни судга қадар юритиш босқичига татбиқ этиш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиз.

Аксарият Европа давлатларида медиация тартиби қонун даражасида тартибга солиниб, зарур ҳуқуқий ва процессуал кафолатлар тизими белгиланган<sup>1</sup>.

Ривожланган давлатларда мазкур институтдан кенг фойдаланилади. Масалан, АҚШда ушбу процедурадан ўтган ишларнинг 95 фоизи суд муҳокамасигача етиб бормаган. Германияда медиациянинг кўрсаткичлари катта таассурот қолдиради – 90 фоиздан кўпроқ музокаралар тарафларнинг келишув битими билан яқунланган. Қўйи Саксонияда самарадорлик 97 фоизни ташкил этади. Буюк Британияда 90-95 фоиз низоли ҳолатлар суд муҳокамасигача ҳал этилади. Европада медиациянинг самарадорлиги ўртача 40-80 фоизни ташкил этади<sup>2</sup>.

Ишни судга қадар юритиш босқичига медиация институтининг татбиқ этилиши, унда иштирок этаётган шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади. Масалан, жиноят ҳақидаги аризани тергов судьяси, жабрланувчи, ҳимоячи, гумон қилувчи иштирокида 24 соат ичида кўриб чиқиб уларни мурасага келтиришга ҳаракат қилади. Агар қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги юқори бўлса ёки процесс иштирокчиларини мурасага келтиришнинг иложи бўлмаса, иш материаллари суриштирув органига тақдим этилади.

Роман-герман ҳуқуқий оиласига мансуб мамлакатларда (Германия, Франция, Испания ва бошқ.) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи чораларни қўллашга розилик жиноят ишларини ҳал этиш билан машғул бўлмайдиган махсус органлар (тергов судьялари, магистрат ва ҳ.к.) томонидан берилади; англо-америка ҳуқуқий оиласига мансуб давлатларда (АҚШ, Буюк Британия, Канада ва бошқ.) бу процессуал ҳаракатларни бажариш: 1) қасам ичганлардан таркиб топган катта ҳайъат; 2) суд тизими таркибига кирувчи ва шундай ҳаракатларга санкция бериш билан шуғулланувчи магистрат; 3) маъмурий ҳуқуқбузарликлар, жумладан мисдиминорларни ҳал этувчи судьялар; 4)

<sup>1</sup> Marianne L. Wade. Developing a Criminal Justice Area in the European Union (2014) // www.europarl.europa.eu.

<sup>2</sup> Маҳмудов Ш. Келишув битими ёхуд медиация / Ш. Маҳмудов, М. Болтаев // Одил судлов. – 2019. – № 7. – Б. 51–53.



АҚШнинг айрим штатларида фуқаролик ишлари бўйича судьялар ваколатига киритилган<sup>3</sup>.

Шу боис «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш, ишни судга қадар юритиш босқичида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш учун жиноят-процессуал муносабатларда тергов судьяси лавозимини жорий этиш лозим. Бу эса ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Баъзи давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида соддалаштирилган тартибда иш юритиш қоидалари ўрин олган. Масалан, Эстония Республикаси ЖПКнинг 364-390-моддаларига кўра, кам аҳамиятли жиноят ишлари тезкор тартибда тергов қилиниб, зудлик билан судга юборилади<sup>4</sup>.

Францияда жиноий иш юритишнинг жуда оддий усули мавжуд бўлиб, кам аҳамиятли жиноий қилмишни қайд этган полиция агентига бевосита жарима тўланади.

Германия жиноят процессининг характерли томонларидан бири умумий ишлардан 70 фоизининг соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилишидир. Ушбу мамлакатда соддалаштирилган тартибда иш юритиш «Жазолаш тўғрисидаги буйруқ» деб аталиб, участка судьялари томонидан озодликдан маҳрум этиш муддати уч ойдан ортиқ бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланади. Суриштирув берган маълумотларга асосан прокурор ёки полиция участка судьясига жазолаш тўғрисидаги буйруқнинг лойиҳаси билан мурожаат қилади. Участка судьяси гумон тасдиқланмаганлиги туфайли ушбу илтимосни рад этиши ёки суд муҳокамасини тайинлаши ёхуд дарҳол жазолаш тўғрисида буйруқ чиқариши мумкин. Агар буйруқ чиқарилган кундан бошлаб етти кун ичида айбланувчи ўз эътирозларини билдирмаса, у қонуний кучга кириб, ҳукм аҳамиятига эга бўлади. Акс ҳолда умумий тартибда суд муҳокамаси тайинланади<sup>5</sup>.

Профессор Д.М.Миразов ҳам жиноят ишларини юритишни соддалаштириш жиноятларга оид янги сиёсатнинг асосий вазифаларидан бири эканини таъкидлаган<sup>6</sup>. Ҳуқуқшунос олим Б.Б.Муродов эса дастлабки тергов жараёнини соддалаштириш лозимлигини қайд этган<sup>7</sup>. Бошқа олимлар ҳам жиноят процессуал қонунчиликка келтирилган соддалаштирилган иш юритиш тартибларининг киритилиши жиноят ишлари бўйича иш юритишни либераллаштириш ва демократлаштириш йўналишида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида одил судловнинг тезкорлигини таъминлашга ҳамда айбланувчиларнинг ҳам,

<sup>3</sup> Тулаганова Г. З. Жиноят процессида процессуал мажбурлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари: Юрид. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 2009. – Б. 315–316.

<sup>4</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Эстония. – Таллин, 2000. – Б. 175-189.

<sup>5</sup> Филимонов Б. А. Основы уголовного процесса Германии. – Москва: МГУ, 2004. – Б. 87.

<sup>6</sup> Миразов Д. М. Ўзбекистон Республикаси жиноятларга оид янги сиёсатининг замирида процессуал фаннинг вазифалари // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2003. – № 3. – Б. 57.

<sup>7</sup> Муродов Б. Дастлабки тергов: унда жиноят ишини тугатиш билан боғлиқ айрим мулоҳазалар // Ҳаёт ва қонун. – 2005. – № 5–6. – Б. 12–13.



жабрланувчиларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилишини эътироф этган<sup>8</sup>.

Соддалаштирилган иш юритишнинг яна бир ижобий жиҳати унинг оддийлигидир, ёхуд босқични қисқартириш орқали жиноят судлов ишлари оддийлашади. Бу эса процесснинг демократлашувига олиб келади.<sup>9</sup>

Юқорида қайд этилган олимларнинг бу борадаги фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, *ишни судга қадар юритиш босқичига рақамли технологияларни жалб этиш ҳисобидан, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнини соддалаштиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.*

Соддалаштирилган тизим бугунги кунда Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш жараёнида қўл келмоқда. Масалан, видеокузатув ва электрон қайд этиш воситалари ёрдамида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилганларини ўз вақтида аниқлаш, жарима белгилаш, ҳатто бу ҳақида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга хабар беришгача бўлган жараён тўлиқ рақамлаштирилди.

Фикримизча, мазкур илғор тажрибани жиноят ишларини юритиш босқичига ҳам татбиқ этиш керак. Масалан, ЖК 277-моддасида кўрсатилган безорилик жинояти, видеокузатув воситасида қайд этилган бўлса, профилактика инспектори ушбу ҳолатни суриштирув шаклида яъни баённома билан расмийлаштириб (электрон қайд этилган дискни илова қилган ҳолда) судга юборади. Суд эса ҳуқуқбузарнинг қилмишига яраша жазо белгилайди.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Шахснинг содир этган қилмиши яққол кўриниб турган бу каби оддий ишларни уч ойлаб тергов қилиш шартми? Бу эса ўз навбатида, суриштирувчи ва терговчини ортиқча иш юкласидан озод этади; қоғозбозлик камаяди; иш материаллари бир органдан иккинчисига қайта-қайта юборилишига чек қўйилади; вақт ва сарф-харажат тежалади; иш бўйича кўп маротаба чақириладиган шахслар сони қисқаради, процесс иштирокчиларининг сарсонгарчилигига чек қўйилади; инсон омилининг минимал даражадаги иштироки коррупциянинг олдини олади; уч ой тергов жараёнида ғаразгўйлик мақсадида дастлабки кўрсатмалар ўзгартирилиб, ҳақиқий ҳолатни яшириб (монтаж қилиб) квалификацияга таъсир этишга уринишларга чек қўйилади, жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланади; жиноят иши соддалаштирилган тартибда, тез, сифатли, шаффоф ва адолатли ҳал этилади ва ҳ.к.

Шу боис, *жиноят-процессуал қонунчилик жиноят ишини юритишни тезлаштириш, соддалаштириш ва ортиқча харажатларни камайтириш йўналишларида янада такомиллаштирилиши лозим.*

Бу таклифни Тошкент шаҳрида (пойтахтда интернет тизими, видеокузатув воситалари ва электрон қайд этиш тизими бошқа ҳудудларга нисбатан ривожланган) бир йил вақт мобайнида экспериментдан ўтказиш ва унинг натижаси бўйича соддалаштирилган тартибда иш юритиладиган жиноятларнинг аниқ турларини

<sup>8</sup> Абдулхаков Я. Дастлабки тергов фаолиятини соддалаштириш истиқболлари / Я. Абдулхаков, А. Алишеров // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. – 2016. – № 1. – Б. 19.

<sup>9</sup> Ленский А. В. Досудебное (предварительное) следствие. – Кемерово, 1997. – С. 202.



белгилаш, шунингдек мамлакатимизнинг барча ҳудудларига татбиқ этиш истиқболларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Гап, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича тергов органлари фаолиятини такомиллаштириш ҳақида борар экан, *жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини баҳолашда жиноятчиликнинг кўпайиши ёки камайишига, яъни статистикага қараб баҳо беришдек эски мезонлардан воз кечиш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур иллат, бугунги кунда ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишига энг асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда.* Бундан ташқари жиноятларни ҳисобга қўйишдан яшириш, шунингдек суриштирув ва тергов органлари фаолиятига оид аҳоли ўртасида шов-шувга сабаб бўлаётган воқеаларнинг асл негизида ҳам айнан ходимнинг меҳнатига жиноят статистикасига қараб баҳо беришдек эскича ёндашув ётибди.

Агар ушбу масалага ўз вақтида етарлича эътибор қаратилмаса, ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этиш ҳоллари давом этиши, шунингдек ИИО ходимлари ўртасида, айниқса профилактика, тезкор қидирув ва тергов органлари ходимларида жиноятчиликнинг олдини олиш ва фoш этиш бўйича ташаббускорлиги пасайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу боис, ходимлар фаолиятини баҳолашда мазкур эскича ёндашув тизимидан воз кечиш вақти келди. Янги Ўзбекистон учун жамиятнинг барча соҳалари сингари, суриштирув ва тергов органлари фаолияти самарадорлигига баҳо бериш бўйича ҳам янги, замонавий мезонлар ишлаб чиқиш давр талабидир.

Фикримизча, бу борада энг тўғри ва адолатли баҳони аҳоли, жамоатчилик бера олади. Бунинг учун, энг аввало жиноят содир этилишига йўл қўймаслик, содир этилган жиноятларни тез ва тўла очиш, жабрланувчига етказилган зарарни ўз вақтида қоплаш, процесс иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, тергов жараёнларини ривожланган демократик давлатлардаги сингари замонавий техник воситалар ва усуллар ёрдамида ўтказиш каби ижобий натижалар билан кенг жамоатчиликнинг ишончини оқлаш, эътирофига сазовор бўлиш керак.

Бу жараёнда оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу боис, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар, амалга оширган ишлари ҳақида журналистлар билан пресс-конференциялар, брифинглар ташкил этиб туриши лозим. Айниқса содир этилган оғир жиноятлар аҳоли ўртасида шов-шувга сабаб бўлиб, бу ҳақида ҳар-хил нотўғри маълумотлар тарқалиб бўлгач, ҳаммадан кейин эмас, балки матбуот хизматлари орқали тезкор маълумотларни, ҳодисаларнинг асл сабаб-шароитлари ҳақидаги ахборотларни ўз вақтида бериб бориш лозим.

Маълумки, бугунги кунда ишни судга қадар юритувчи субъектларнинг ҳисоботларини уларнинг юқори турувчи органларида ярим йиллик ва йиллик муҳокама қилиб бориш амалиёти мавжуд. Лекин, бундай ҳисобот йиғилишлари одатда ёпиқ ҳолда ўтказилганлиги боис, ҳар доим ҳам кутилган натижани бермаяпти.

Фикримизча, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар, юқори турувчи органлар билан бирга, халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари, кенг



жамоатчилик олдида, оммавий ахборот воситалари иштирокида хизмат сири ҳисобланмаган маълумотлар бўйича ҳисобот бериш тизимини жорий этиш лозим.

Бундан ташқари суриштирувчи ва терговчининг хизмат фаолиятига баҳо беришда ушбу ҳудудда фаолият юритаётган судьяларнинг фикри ҳам инobatга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда тергов органлари ходимларининг иш юкламаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти ва унинг қуйи тизимларига юклатилган вазифалар сифатли ижро этилиши учун, терговчилар сонининг иш ҳажми билан мутаносиб бўлишини тақазо этади.

Ички ишлар органлари суриштирувчилари ва терговчилари ўртасида ўтказилган сўровномада иштирок этган жами 510 нафар респондентларнинг 72 фоизи, иш ҳажмининг жуда юқорилиги ишни судга қадар юритишда шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга салбий таъсир этаётганини маълум қилганлар.

Фикримизча, ички ишлар органлари тизимида хизмат олиб бораётган тергов органларининг иш ҳажми ҳаддан ташқари кўплиги, бу эса, ўз навбатида, шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига салбий таъсир этаётгани боис, уларнинг штат бирлигини юритилаётган жиноят ишларининг сони ва мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳар 4-5 йилда қайта кўриб чиқиш, шунингдек жиноят ишининг терговга тегишлилиги институтини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Бу эса ўз навбатида, жиноят ишларини қонуний, ҳар томонлама, тўлиқ холисона ва сифатли тергов қилишга, тергов фаолияти устидан таъсирчан идоравий назорат механизмини ўрнатишга, тергов фаолиятини доимий таҳлил қилиб борган ҳолда, муаммо ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга, бунинг натижасида ишни судга қадар юритишда шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридагилардан ташқари, дастлабки терговда суд ваколатларининг кенгайтирилиши ҳам шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари самарали муҳофаза этилишини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса Ўзбекистон Республикаси ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятлар ва уларнинг ижросига ҳам мос келади. Жумладан, 1966 йилда қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактнинг 9-моддаси 3-қисмига асосан, «жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиш ҳуқуқига эга»<sup>10</sup>.

Ҳимояланишда суд шакли мавжудлигининг ўзиёқ тергов юритилишида иштирок этадиган мансабдор шахсларнинг фаолиятига таъсир этишга қодир бўлиб, улардан мажбурлов чораларини қўллашда янада ҳушёр бўлишни талаб этади<sup>11</sup>.

Яна бир муаммо шундаки, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг сифат кўрсаткичи ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумки,

<sup>10</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: Тўплам. – Тошкент, 2004. – Б. 40.

<sup>11</sup> Жиноят процесси (умумий қисм): юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик / 3.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 121.



суриштирув ва тергов идораларида бугунги кунда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари талаблари асосида белгиланган мақсад ва вазифаларни тўғри тушунадиган, юксак масъулият ҳисси билан ва профессионал даражада фаолият юритадиган ходимлар бўлмаса, ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи муаммолигича қолади.

Суриштирув ва дастлабки тергов идораларида ҳуқуқий тартибни ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши, терговга қадар текширув ва жинойтларни тергов қилиш вазифалари ишониб топширилган ходимларнинг касб маҳорати қанчалик юқори эканлигига бевосита боғлиқ. Бинобарин, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш самарадорлигига эришиш, суриштирув ва тергов органларини малакали кадрлар билан таъминлаш масаласига боғлиқ бўлиб, бугунги кунда одил судлов олдида турган долзарб масалалардан биридир. Шу боис мазкур муаммони ҳал қилиш учун қуйидаги таклифлар илгари сурилмоқда:

1) суриштирувчи ва терговчи лавозимларига номзодларни танлаш ва қабул қилишга алоҳида эътибор бериш. Бунда кадрларни бир неча номзодлар орасидан танлов (конкурс) асосида қабул қилиш ва бу жараёнда тасодифан ёки таниш-билишчилик асосида суриштирув ва тергов идораларига кириб қолишнинг олдини олиш. Шу билан бирга номзодларнинг маълумоти, маънавий етуклиги, ахлоқий жиҳатлари, касбий ва шахсий фазилатлари ҳам синчковлик билан текширилиши;

2) жинойт ишини юритишга масъул бўлган давлат органларида «терговчи-ёрдамчи» лавозимини жорий этиш ва ушбу лавозимга таълим муассасасини тугатгач мазкур органларга илк бор хизматга қабул қилинган ходимлар тайинланиши ҳамда ушбу лавозимда камида бир йил давомида хизмат олиб бориши;

3) суриштирув ва тергов органларида суриштирувчи ва терговчи лавозимига кадрлар захирасини барпо этиш, ёш мутахассисларда тергов ҳаракатларини ўтказиш кўникмаларини шакллантириб бориш лозим. Бунинг учун терговчи лавозимига туман (шаҳар) миқёсидаги тергов органларида камида бир йил давомида «терговчи-ёрдамчи» лавозимида хизмат қилган ходимлар орасидан тайинлаш;

4) терговчилик касбида муҳим ўрин тутадиган «устоз-шогирд» анъаналарини тўғри йўлга қўйиш мақсадида, «терговчи-ёрдамчи» лавозимига тайинланган шахсларга ушбу лавозимларда кўп йиллар самарали хизмат қилаётган тажрибали терговчилардан мураббий бириктириш;

5) терговчи туман (шаҳар) миқёсидаги тергов органларида камида уч йил хизмат қилгандан кейингина юқори турувчи органлар (вилоят, сўнгра республика)да хизматни давом эттиришга рухсат бериш;

6) хизматга қабул қилинган ходимларни жой-жойига тўғри тақсимлаш. Унда ходимнинг нафақат маълумоти бўйича балки, малакаси, билими, қобилияти, дунёқараши, ёши, тажрибаси каби хислатларига эътибор бериш;

7) суриштирувчи ва терговчиларнинг хизмат вазифалари ва иш ҳажми тақсмотини тўғри белгилаш. Унда энг аввало, ходимнинг тажрибаси, ихтисослиги, ишчанлик қобилияти ва соғлиги инобатга олиниши зарур;



8) ишни судга қадар юритишга оид янги норматив ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган ёки амалдагисига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганида, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар билан ўқув машғулоти ташкил этилиб, унда амалга оширилаётган ислохотларнинг том маъноси, шунингдек уни амалга ошириш механизмлари тушунтирилиб борилиши зарур. Бунда асосий эътибор жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликка шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид киритилган ўзгаришларни амалиётга татбиқ этиш жараёнида юзага келаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилиши керак;

9) жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг руҳий тайёргарлигини ошириш масаласига ҳам бугунги кунда табиий эҳтиёж туғилмоқда. Шу боис, штатлар сони кўп бўлган суриштирув ва тергов идораларида штат бирлигига руҳшунос (психолог) лавозимини киритиш, шунингдек ходимларни руҳий чиниқтиришга мўлжалланган хоналарини ажратиш ва жиҳозлаш лозим;

10) ишни судга қадар юритишга масъул бўлган ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жазолаш масаласида адолат мезонига қатъий риоя этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда айниқса юқори лавозимларга тайинлаш, унвон бериш ёки унга тавсия этиш, шунингдек лавозимидан озод этиш масалаларида ходимнинг иш самарадорлиги, жамоатчиликнинг фикри ҳамда аввалги ижобий ва салбий ҳатти-ҳаракатлари ҳисобга олиниши муҳимдир;

11) суриштирув ва тергов идоралари тизимида фаолият юритаётган раҳбар кадрларнинг масъулиятини ошириш зарур. Чунки ислохотларнинг ижроси раҳбарлар орқали кадрлар томонидан амалга оширилади. Шу боис, нафақат ислохотлар жараёнида белгиланган вазифаларни бажариш, балки жиноят ишини юритишга масъул бўлган субъектларнинг тақдири ҳам кўп жиҳатдан раҳбарларнинг масъулиятига боғлиқлиги шубҳасиз.

Юқорида қайд этилган омиллар суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг том мақсадига эришишга, одил судловнинг мустақиллиги ва нуфузини мустаҳкамлашга, шунингдек ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади.

Ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан суриштирув ва тергов органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни амалга ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади:

*Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи миллий ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш; ишни судга қадар юритишда оммавий ахборот воситаларнинг иштирокига кенг йўл очиб бериш; жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларни ишга қабул қилиш мезонлари ва шартларини такомиллаштириш; жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларни ўқитиш ва малака ошириш жараёнига эътиборни кучайтириш, уларнинг маънавиятини юксалтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш; жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар меҳнатига жиноятчилик статистикасига қараб баҳо беришдан воз кечиш; жиноят ишларини юритишни босқичма-босқич рақамлаштириш ва ҳ.к.*



Ҳозирги вақтда ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилиши каби ноқонуний ҳолатларга қарши курашнинг қуйидаги йўллари кўрсатиш мумкин:

*биринчидан*, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга тўқинлик қиладиган омилларга қарши чоралар кўриш; *иккинчидан*, суриштирувчи, терговчи ва прокурорлар ўз ваколатларидан тўғри фойдаланишлари билан бирга, зиммасига юклатилган мажбуриятларни тўлиқ бажаришларига эришиш; *учинчидан*, жиноят иши юритилишига масъул мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига ҳамда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш даражасини ошириш.

Юқорида қайд этилган таклифлар ишни судга қадар юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, жиноят процессида **«Холис тергов, кучли Ҳимоя, адолатли суд»** деган янги тамойилнинг юзага келишига хизмат қилади.

## References: